



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№32 (62) 8.08.2019 йил

Ягонасан, муқаддас Ватан!

Она юрт алёрлари



Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — мустақиллик шодиёналарига саноқли кунлар қолди. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида ҳар бир соҳада кўзга кўринарли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Маданият вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танлови ҳудудий босқичларида 1624 иштирокчи қатнашиб, уларнинг 60 нафари республика босқичига йўлланмани қўлга киритган эди.

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат муסיқали театрида 3 август куни улар иштирокида танловнинг саралаш босқичи ўтказилди.



Қатнашчиларнинг чиқишларини Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, композитор Ойдин Абдуллаева, Ўзбекистон халқ артистлари — Нормўмин Султонов, Матлуба Дадабоева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азим Муллахонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Бобур Бобомурод ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бош мутахассиси Саодат Ҳақимовалардан иборат малакали ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боришди.

Аввало, шунга таъкидлаш жоизки, қатнашчиларнинг ҳар бир ижросида сўнгги йилларда миллий маданиятимизни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг самараси, Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус бўйича қилинган ишлар натижаси акс этиб турибди.

Давоми 2-саҳифада >>

Ушбу сонда

Нурота — нурли диёр

Қадимда Буюк ипак йўлининг бир тармоғи ўтган, тарихий манбаларда Нур, Нурота, Нури Бухоро, Нурота номлари билан муҳрланган бу мўйсафид шаҳар юртимиз тарихининг зарварағи ҳисобланади.

8-саҳифада >>

Маданий мерос Султон Саодат мажмуаси



7-саҳифада >>

Театр муаммолари муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги, вилоят маданият бошқармаси ҳамкорлигида 31 июль куни ўтказилган Фарғона, Андижон, Наманган минтақалараро “Театр ва драматургия: ютуқ ва камчиликлар” илмий-амалий семинари қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди.

4-саҳифада >>

Бизнинг суҳбат

“Санъаткор маданияти меҳрнинг кафолатидир”

Санъаткор доимо эл назарида бўлади, зеро, халқимиз табиатининг ўзига хос жиҳати ҳам санъатни севиши, ардоқлашидир. Шунинг учун бу йўлни танлаганлар унинг масъулиятини ҳам чуқур ҳис этишлари, санъаткорлик маданиятидан бохабар бўлишлари зарур. Бу мухлислар меҳрининг кафолати бўлиши аниқ. Кимдир бу меҳрни давомли қарсақлари, кимдир бирга суратга тушиши билан изҳор этади. Лекин ўз ҳаддини билмай, мухлислик маданиятига амал қилмайдиганлар ҳам учраб туриши бор гап.

Яқинда оиласи билан чет элда дам олаётган Ўзбекистон миллий академик драма театри артисти Рихситилла Абдуллаев билан ҳам шунга ўхшаш ҳолат юз берди: актёрнинг суратга тушишни таклиф қилган бир мухлисидан “пул талаб қилгани” ижтимоий тармоқда эътирозга сабаб бўлди.

Тўғри, бу воқеага тармоқдаги айрим ғийбат-игволардан бири деб эътибор бермаслик ҳам мумкин-дир... Аммо “емазан сомасига пул тўлаётган” актёрнинг хижолатли нигоҳлари бизни ҳам ўйга толдирди.

Аслида ҳар қандай актёрнинг суратию сийрати мухлисларни доимо қизиқтириб келган. Шунинг учун Рихситилла Абдуллаев ҳақида унинг ўзидан эшитганларимизни сиз билан ўртоқлашишни жоиз деб билдик.

НОЎРИН АЙБЛОВДАН РАНЖИДИМ...

Мухлислар билан ҳамшиша самимий бўлишга интиламан. Ахир сизни ҳурматлаб, бирга суратга тушишни таклиф этишса, бунинг нимаси ёмон?! Лекин... яқинда ижтимоий тармоқда мухлислар билан суратга тушиш учун пул талаб қилганимни, бир марталик селфи учун 100 доллар сўраганимни ёзиб, айб-лашганларидан ранжидим, албатта...

Ахир ёнимда оилам, ўғил-қизларим ҳам бор эди, жуда бўлмаганда уларнинг кўз олдида бу қадар юз-сизликка йўл қўйишим мумкинми? Мен ҳаётда оиламни, фарзандларимнинг бахту саодати, орномусининг қўриқчиси бўлсам-у...

Давоми 5-саҳифада >>



Донолар сузлайди... >>

Шоҳлар олдида камроқ, мажлисларда — маъноли гапир.

“Авесто”дан

Сўз аини савоблигини билмагунча гапирма, Унга саз жавоблигини билмагунча гапирма. Саъдий Шерозий

Ғафлат аро хуш кўрибон хуш дема, Вақиф ўлиб, сўнгра пушаймон ема. Алишер Навоий

Музейлар фаолиятдан

Сайёҳлар учун инновацион смарт технологиялар



Бухоро давлат музей-қўриқхонаси, "Арк" вилоят ўлкашунослик музейи ва "Ситораи моҳи хо-са" амалий безак санъати музейи филиалларида сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш учун инновацион СМАРТ технологиялари ўрнатилди.

Ушбу қурилма сайёҳларга музейлардаги барча экспонатлар ҳамда бинолар тарихи ҳақида уч (Ўзбек, рус, инглиз) тилларида маълумот беради. Ундан фойдаланиш учун оддий қўл телефони бўлиши kifоя.



Халқаро маданий алоқалар

Ўзбек ва Беларусь ижодкорлари учрашди

Ўзбекистон Бадий академияси ахборот хизматининг маълум қилишича, Беларусь Республикасига ташриф чоғида Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуридинов улуғ шоир Алишер Навоий бюсти очилишига бағишланган тантанали тадбир доирасида ҳайкалтарош Максим Макаревич билан учрашди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Беларусь Республикасига расмий ташрифи арафасида Минск шаҳрида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий бюсти очирилган эди.

Ушбу ижодий иш муаллифи — ёш беларусь ҳайкалтароши Максим Макаревич 1990 йилда Минск шаҳрида туғилган. Алексей Глебов номидаги Минск давлат рассомлик коллежи ҳамда Беларусь давлат санъат академиясини ҳайкалтарошлик йўналиши бўйича тамомлаган. 2017 йилда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича Беларусь Президенти махсус фондининг стипендианти бўлган.

Шуни таъкидлаш керакки, беларуслик мусаввир ва ҳайкалтарошлар, фотоусталар Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ўтказилаётган халқаро биенналелар, тасвирий санъат фестиваллари, фотокўргазмаларда мунтазам қатнашиб келади. Айни пайтда юртимиз мўйқалам соҳибларининг ижод намуналари ушбу мамлакатнинг санъат мухлислари томонидан юксак қадрланади. Беларусь Республикасида Ўзбекистон маданияти кунларининг тантанали очилиши доирасида ташкил этилган юртимиз тасвирий ва амалий санъатига доир кўргазма бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Ўзбек ва беларусь ижодкорларининг учрашуви давомида санъат аҳли ўртасидаги маданий-маърифий мулоқотлар халқларимизни расом ва ҳайкалтарошлар, фотомусаввирлар, хунармандлар, дизайнерларнинг энг сара ишлари билан таништиришда, дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамланишида асосий омил экани таъкидланди.

Дикқат, танлов!

"Мақом йўлларида яратилган энг яхши асар"



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбек миллий мақом санъати маркази бастакорлар ўртасида "Мақом йўлларида яратилган энг яхши асар" республика танловини эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, мақом санъатини янада ривожлантириш ва замонавий бастакорлик ижодиёти анъаналарига сингдириш, мақом йўлларида ижод қилиб келаётган бастакорларни кашф этиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил қилинаётган мазкур танлов 22-23 ноябрь кунини Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасида бўлиб ўтади.

Давоми. Боши 1-саҳифада

Она юрт алёрлари

Яқинда таъмирланиб, янги жиҳозлар билан безатилган театр биноси, саҳнаси ўткир, ширали овозлар, Ватан меҳри акс этиб турган чақноқ нигоҳлар, ёниқ чехралар билан ўзгача фойз-тароват касб этган. "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" шиори остида янграётган куй-қўшиқларда Ватанга, эл-юртга бўлган адоқсиз меҳр-муҳаббат уфуриб тургандек...

Танлов давомида республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган қатнашчиларнинг иштирокидан улар фаолият олиб бораётган худудларда миллий маданиятни ривожлантириш борасида олиб бориладиган ишлар қай даражада эканини ҳам билиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вилоятларда ўтказилаётган халқаро анжуманлар, хусусан, "Шарқ тароналари", "Буюк ипак йўли", "Бойсун баҳори", "Рақс сеҳри" ва бахшичилик, мақом санъати фестиваллари санъатимиз ихлосмандлари, хонанда ҳамда раққоса, ҳофиз ва бахшиларимиз ижодига баракати таъсир этди. Миллий маданият, санъатга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ижро маҳорати, саҳна маданияти юксалди.

Иштирокчилар орасида энг кичик ёшдаги қатнашчи қашқадарёлик Жонибек Эшбобоев ўзининг ширали овози, моҳирона ижроси, ёш бўлишига қарамай, саҳнада ўзини тутишлари билан эътиборимизни тортди.

— Жонибек менинг неварам, — дейди Норхол Йўлдошева. — *Уч ёшлигиданоқ кўшиқ айтиб, ҳаммани ҳайрон қолдирган. Кейин фестивалда Озодбек Назарбековнинг унга эътибори туди. Лекин ҳали эрта, овозини эҳтиёт қилинглар, деган эди. Бироқ Жонибек куйламасдан тура олмайди. Устози Шерзод Норбобоев унинг иқтидорини янада ўстириш мақсадида...*

"Бўладиган бола бошидан маълум" деганларидек, 11 ёшли Жонибекнинг 18 та кўшиқни маромига етказиб ижро этиши, мусиқани юракдан ҳис этиб



тинглаши, катталардек унга мос кўшиқ куйлаши чиндан ҳам таҳсинга лойиқ! Давлатимиз раҳбари "эртамизнинг умидли ёшлари" деган сўзлари айнан Жонибекка ўхшаган истеъдод эгаларига қаратилгани шубҳасиз. Шунингдек, хоразмлик ёш бахши Мансур Қўчқоров, сурхондарёлик Гулжаҳон Абрайқулова, қаршилик найчи Машхурбек Қозимжонов каби юраги қайноқ ёшларнинг Ватан ҳақидаги алёрлари қалбларни чуқур хаяжонга солди.

Қатнашчиларнинг барчасини бирма-бир санаб ўтишнинг имкони йўқ. Лекин истеъдодли хонандалар, моҳир раққосалар, созандалар орасида ҳакамлар ҳайъати эътирофига сазовор бўлган оташин ватан куйчиларини атаб ўтгимиз келди. Улардан биринчи ўрин соҳиблари — қорақалпоғистонлик Наврўз Маҳамадияров, андижонлик Муҳлиса Машрабова, самарқандлик Бобур Юсупов, 2- ва 3-ўринларни эгаллаган Моҳичеҳра Солиева (Бухоро), Серижан Жанахмедов (Навоий вилояти), Баҳодир Хўжакулов (Сирдарё), Сурайё Тошпўлатова (Жиззах), Нуриддин Баҳриев (Самарқанд), Азамат Абдуваққосов (Тошкент шаҳри)лар номлари голиблар сифатида тилга олинди.

Уларни тақдирлаш маросимида сўзга чиққан Маданият вазирлиги-



нинг концерт-томоша муассасаларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Анвар Тажибаев таъкидлаганидек, республикамиз вилоятларидан сараланиб келган иштирокчиларнинг ҳаммаси голибликка муносиб. Ҳар бир қатнашчининг юрак-юрагидан қайнаб чиқаётган Ватан ҳақидаги кўшиқлар томошабинларда бекиёс завқ-шавқ уйғотгани шубҳасиз. Шу ўринда танловда фаол иштирок этган Тошкент вилоятининг "Томчи" хор жамоаси "Ташаббус" композицияси ва кўшигини, "Фаргона гавҳари" фольклор жамоаси "Бу менинг Фарғонам" кўшигини, сурхондарёлик Богдана Базарова ўзбек халқ ўлан ва лапарларини иштиёқ билан ижро этганларини алоҳида айтиб ўтиш лозим.

"Яғонасан, муқаддас Ватан!" кўриктанловда янграган Ватан алёрлари энди 10 август кунини Туркистон саройида ўтказиладиган байрам концертида давом этади.

Сайёра РИХСИЕВА, "Маданият" газетаси мухбири

Кўрик-танлов

Маҳалла раислари мушоираси



6 август кунини Навоий вилояти Кармана туманидаги "Баркамол авлод" болалар ижодиёт марказида вилоятдаги маҳалла раислари ўртасида шеърхонлик кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. "Шеърятга ошно бўлган асло кам бўлмайди" шиори остида ўтказилган ушбу кўрик-танловда вилоятнинг энг фаол ҳамда ҳар ишга жонкуярлик билан ёндашадиган маҳалла раислари иштирок этишди.

Ушбу тадбир маҳалларда истиқомат қилувчи аҳоли, айниқса, ёшлар қалбида китобга, шеърятга бўлган меҳрни янада кучайтириш, шеърят ва китоб орқали уларнинг қалбида Она Ватанга садоқат, ҳурмат каби туйғуларни шакллантириш мақсадида ташкил этилди.

Унда Навоий вилояти маданият бошқармаси Кармана туман маданият бўлимининг ижодий жамоалари ҳам фаол иштирок этиб, куй-қўшиқлари билан барчага хуш кайфият улаштирди.

Ғолиб бўлган маҳалла раисларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Халқаро ҳамкорлик

Музейлар ўртасида битим имзоланди



Беларусда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида юртимиздаги икки етакчи музейнинг Беларус Миллий санъат музейи билан ҳамкорлигига асос солинди.

31 июль куни Беларус Миллий санъат музейида Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейи ҳамда

Ўзбекистон давлат санъат музейи ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида битим имзоланди. Унга мувофиқ, томонлар икки давлат музейлари ўртасидаги алоқаларни янада мустақамлашга ҳамда ҳар икки давлат маданияти ва санъати ривожини йўлида биргаликда фаолият олиб боришга келишиб олдилар.



Таълим

Болалар муסיқа ва санъат мактабларида давлат талаблари ва ўқув дастур асосида Ч.Гермернинг "50 та кичик этюдлар" тўплами (1-2-синфлар учун) ва "32 та этюдлар" (2-3-синфлар учун) "Чаққонлик мактаби" ("Школа беглости" ор. 299, 4-6-синфлар учун), "Чаққон бармоқлар санъати" ("Искусство беглости пальцев" соч. 740 7- ва ундан юқори синфлар учун) тўпламларидан амалиётда самарали фойдаланилади. Куйида ушбу тўпламлардаги этюдлар мисолида айрим ижро маҳоратини ошириш усулларни келтираемиз.

Этюдлар орқали ижро маҳоратини ошириш

Ч.Гермернинг 3-синфлар учун "32 та этюд" тўпламидаги 7-эюд чап қўл техникасини ривожлантириш мақсадида берилган бўлиб, уни аввало алоҳида ўганиш лозим.




Ўнг қўл бармоқларидаги штрихларга (легато ва стакато) ва паузаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, чап қўл учун "Пунктир", "Юрамиз-югурамиз" "Группировка" ва бошқа шу каби усуллардан фойдаланиш мумкин.





Чап қўл гаммасимон берилган бўлиб, уни жумлаларга бўлиб ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Чунки бу ёшдаги ўқувчиларнинг психофизиологик хусусиятларига кўра асарни бошидан охиригача чалиб ўрганиш уларга мураккаблик қилиб, хотираларида яхши сақланиб қолмайди. Шунинг учун жумлалар билан ўрганиш асарни яхши эслаб қолишга хизмат қилади.

Ушбу этюдда ҳам майда усулдаги машқлардан тортиб йирик усулдаги машқларгача қўллаш мумкин. Бу машқларни аввал чап қўлда, сўнг ўнг қўлдаги аккордларни қўшиб бажариш лозим. Барча усул ва машқлардан сўнг албатта ҳеч қандай машқсиз секин темпда, динамик белгиларга алоҳида эътибор берган ҳолда кўп мартаба чалиб, темп қўшиб борилади.



"Чаққонлик мактаби" ("Школа беглости" соч. 299) даги 25-эюд ўқувчиларнинг ҳар хил техник имкониятларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, у бармоқларнинг синхронлигини, терция оралиғидаги айланма машқларни ривожлантиришга, бармоқларнинг кетма-кетликда бир-бири билан чаққон ўрин алмашувини шакллантиришга ёрдам беради.





Уни ўрганиш жараёнида юқорида кўрсатилган усулларнинг барчасини қўллаш мумкин. Асарни ўрганишда аввал чап қўл мукамал ўзлаштирилиб, кейин ўнг қўлни ўрганиш тавсия этилади. Чунки чап қўл йўналтирувчи ҳисобланиб, этюднинг синхронлигини таъминлашга ёрдам беради.


Терция оралиғида айланма машқларни бажаришда билаларнинг эркинлигига ва айланма ҳаракатининг энгиллигига аҳамият бериш лозим.



Асар техник жиҳатдан мукамал ўзлаштирилиши учун юқорида кўрсатилган майда ва йирик усулдаги машқларни барчасидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Асар тўлиқ ўзлаштирилгандан сўнг унинг динамик белгилари устида ишлаш лозим. Зеро, у асарнинг характерини ва бадий ифодасини белгилаб беради.



Юқори синфлар учун берилган "арпеджиоли пассажлар"ни ривожлантиришга йўналтирилган 14-эюд ("Искусство беглости пальцев" соч. 740), ни ўрганиш усулларини таҳлил қилаемиз.



Ушбу асар ўнг қўл бармоқларида синк арпеджио техникасини ривожлантириш учун берилган бўлиб, уни

ўрганишда бармоқ аппликатурасининг тўғри ва аниқ олинишига эътибор қаратиш лозим. Асарни ўрганишдан аввал икки қўл мустақил мукамал ўзлаштирилгандан сўнг техник машқлар билан ишлаш лозим. Мазкур этюднинг юқоридаги машқлардан ташқари ҳар бир тактни аккордларга йиғиб чалиниши (ўнг қўл учун) ўқувчининг ориентациясини оширишга хизмат қилади.



Шундай усулда бир неча бор чалиб ўргангандан сўнг чап қўлни қўшиб чалиш лозим. Ушбу этюдни ҳам майда ва йирик усулдаги машқлар ёрдамида ўрганиш яхши натижа беради. Машқларни бажараётганда елка, тирсақ, биллак ва бармоқлар мутлоқ эркин ҳолда бўлиши лозим. Машқлар нотўғри бажарилса, бу ўқувчининг этюдни ўрганиш жараёнига салбий таъсир қилиши мумкин. Сўнг секин динамик белгилар билан чалиб ўрганилади. Бу жараён ҳар куни такрорланса, яхши натижа бериши кўзда тутилади.

Ҳар қандай машқ ва гамма аниқ аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши керак. Акс ҳолда, ўқувчи қанча кўп шуғулланмасин, керакли натижага эриша олмайди. Ўқитувчи ўқувчига мақсадни аниқ тушунтира билиши керак. Асар устида ишлаш чоғида айнан асарнинг қийин бўлган қисмини қайта-қайта чалдириш кутилган натижани бермайди. Бундай пайтда албатта камчиликлар сабабини аниқлаб, уни бартараф қилиш учун аниқ мақсадга йўналтирилган машқ ва усуллардан фойдаланиш самаралироқ бўлади.

Асарни таҳлил қилиш жараёнидаёқ ўқувчига уни назарий жиҳатдан тўлиқ тушунтириб, аниқ вазифа қўйилиши ва керакли кўрсатмалар берилиши лозим. Агар ўқувчи унга берилган вазифани ва кутилаётган натижани тўлиқ тасаввур қила олса, дарс пайтида ҳамда мустақил ишлаш жараёнида кўзланган мақсадга эришади. Дарсларда ўқувчига унинг хатоларини аниқ тушунтириб кўрсатиб бериш уларни тезроқ бартараф қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, ўқув жараёнида таътиллер мавжуд. Бу таътиллерда ҳамма ўқувчилар ҳам мустақил шуғулланмайдилар. Худди шундай ҳар хил танаффусдан сўнг ҳар қандай созанданинг техник имкониятлари бир оз пасаяди. Агар ўқувчида этюдларни чалиш онгли равишда зарурат даражасига айланса, бу унга келажакда ижрочилик маҳоратини шакллантириб, уни сақлай олиш имконини беради. Шунинг учун ҳам ижрочилик фаолиятида этюдларнинг аҳамияти бекиёсдир.

Назозат УТАЕВА,

Ўзбекистон давлат консерваториясининг оркестр-дирижёрлик иши кафедраси концертмейстери

» Концерт

“Ёзни камалак билан...”



» Вилоят кутубхоналарида

Нарпайда янги зиё маскани



Самарқанд вилояти Нарпай туманида вилоят маданият бошқармасига қарашли кўзи ожизлар кутубхонасининг яна бир филиалига асос солинди.

31 июль куни ушбу зиё масканининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда туман ҳокимининг ўринбосари Асқар Рустамов, вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси директори Курбоний Юсуповалар иштирок этишди. Маросим якунида иштирокчилар кутубхонадаги қулай шароитлар, янги адабиётлар, кўзи ожизлар учун chop этилган махсус китоблар билан танишишди.

» Семинар-тренинг

Кутубхоначилар учун маҳорат дарслари

Сурхондарё вилоят кўзи ожизлар кутубхонасида 31 июль куни “Адабиётларни ҳисобга олишга оид ҳужжатларни юритишда методик раҳбарлик қилиш” мавзусида амалий-услубий семинар-тренинг бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган 5 та муҳим ташаббуси ижросини таъминлаш ҳамда туман филиал кутубхоналари ишини яхшилаш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил қилинган тренингни вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси директори Н.Боймуродов очиб берди.

Семинар давомида директор ўринбосари Ҳ.Исломқулов 5 та муҳим ташаббус бўйича вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси ва туман филиалларида олиб борилаётган ишлар юзасидан қисқача маълумот берди. Сўнгра адабиётларни бутлаш ва қайта ишлов бериш бўлими мудири Ю.Соатовнинг “Кутубхона фондларини тўлдириш йўллари” мавзусидаги маърузаси тингланди.

Тадбир давомида Шўрчи, Денов, Жарқўрғон туман филиалларининг ходимлари кутубхонада юритилаётган жамланма-ҳисобга олиш дафтари юритилиши ва унга қўйиладиган талаблар ҳақидаги, Шеробод туман филиали кутубхоначиси У.Норова яққа тартибдаги китобларни рўйхатга олиш дафтари юритилиши бўйича тажрибаларини ўртоқлашди. Сарносиё туман филиали мудири Р.Бобомуродова эса кутубхона жамғармасидаги турли кўринишдаги адабиётларга системали ва алфавитли каталог карточкаларини ёзиш тартибларини кўрсатиб ўтди.

Куннинг иккинчи ярмида вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси ходимлари томонидан мавзу бўйича маҳорат дарслари ўтказилди.

» Семинар



Театр муаммолари муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги, вилоят маданият бошқармаси ҳамкорлигида 31 июль куни ўтказилган Фарғона, Андижон, Наманган минтақалараро “Театр ва драматургия: ютуқ ва камчиликлар” илмий-амалий семинари қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Анжуманга республика миқёсида фаолият юритаётган барча театр раҳбарлари, жумладан, бадий бўли мудири, бош режиссёрлар ҳамда актёрлар — Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси раиси Ёқуб Аҳмедов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби профессор Жўра Маҳмудов, Маданият вазирлиги репертуар-тахририят шўъбаси мудири Ҳайитмат Абдураулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Марям Ашуровалар ташриф буюришди.

Тадбир аввалида Маданият вазирлигининг театрларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Муқаддас Аҳметжанова сўз олиб, мазкур анжуманнинг аҳамияти ва соҳани янада ривожлантиришга қўшадиган ҳиссаси ҳақида фикрларини билдирди. Шунингдек, вилоят театрларидаги ютуқ ва камчиликлар, репертуарлардаги кемтикликлар ва муаммоларга ечим топиш масалалари муҳокама қилинди. Бугунги театр-

ларнинг аҳволи қайсидир маънода ачинарли эканлиги, ўзбошимчилик билан фаолият олиб бориш, тенглик қоидалари эмас, аксинча, тарқоқлик кузатилаётгани, ижодий муҳитнинг йўқлиги, асарлар драматургия талабларига зид равишда танланаётгани танқид остига олинди.

Наманган вилояти мусиқали драма театри директори Озода Усмонованинг “Театр ва драматургия ҳамкорлиги”, Андижон вилояти мусиқали драма театри адабий бўлим мудири Зиё Нажмиёнинг “Андижон вилояти театрларида драматургия муаммолари”, С.Одиловнинг “Фарғона вилояти театрларида драматургия масалалари” мавзусидаги маърузалари тингланди.

Шунингдек, кузатувчи сифатида иштирок этган Марям Ашурованинг кўғирчоқ театри драматургияси машаққатлари ҳақида, профессор Ж.Маҳмудов драматургияга хос бўлган фабула, характер, ғоя масаласи бўйича ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

“Агар режиссёр билимдон, узоқни

кўра биладиган, фидойи бўлмаса ва кўпгина соҳаларни билмаса, “Асар йўқ, драматург йўқ” деб четга чиқаради, — деди М.Ашурова. — Драматург аввало ёзмоқчи бўлган ғоясини асарга айлантириш учун ўша мавзу атрофидаги соҳаларни ўрганиши, одамлар билан яқин муносабатда бўлиши, кези келганда болалардек фикрлаши, керак бўлса, боғча, мактабларга бориб болалар характери ўрганиши лозим!”

Анжуманда сўз олган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Гулчехра Умарова театрдаги бугунги камчиликларга нималар сабаб бўлаётгани ҳақидаги фикрларини очик-ошкор баён қилди. Ёш драматурглар билан ишлаш жараёнида уларни театр муҳитига кўниктириш, институтда олган билимларига қўшимча тарзда “устоз-шоғирд” аъналарини шакллантириш ҳолда, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиш масалалари ҳам ўртага ташланди.

Мансурбек РЎЗИЕВ,
Андижон вилояти кўғирчоқ театри адабий бўлим мудири

» Мустақиллик байрами олдидан

Тантаналарга тайёргарлик кўрилмоқда

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси ва тизимдаги бошқа ташкилотлар билан биргаликда юртимиз мустақиллигининг 28 йиллик байрами тантаналарини муносиб нишонлашга катта тайёргарлик олиб борилмоқда.

Театр ва рақс жамоалари, таниқли ва ёш хонандалар, мусиқий ансамбллар иштирокида ўтказиладиган бу йилги чиқишларда ижролар жонли бўлишига эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, дастур учун кўплаб ёш, истеъдодли хонандалар жалб қилинган.

4 август куни “Мақом” ансамбли ва рақс жамоалари ўз чиқишларини ижодий гуруҳ эътиборига ҳавола этди.

Байрам дастуридан халқимиз юрагидан жой олган миллий-мумтоз ижод намуналаридан тортиб, миллий эстрада йўналишидаги замонавий куй-қўшиқлар ҳам ўрин олади.



Халқаро мусиқа фестивали

“Шарқ тароналари” меҳмонлари

26-30 август кунлари Самарқанд шаҳрида “Шарқ тароналари” ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивали ўтказилди. Фестивалда бу йил 33 та давлат вакиллари билан иборат 29 мусиқий жамоа, 146 нафар хонанда ва созандалар иштирок этди. Улар орасида “Бадахшон” (Тожикистон), “Арчабил” (Туркменистон), “Бабалар саъи” (Қозоғистон) жамоалари билан бирга Қирғизистон, Аргентина, Афғонистон, АҚШ, Венгрия, Испания, Корея Республикаси, Латвия,



Миср, Мўғулистон, Мьянма, Хитой, Эрон, Эстония, Фижи ороллари, Ҳиндистон, Озарбайжон, Перу, Покистон, Португалия, Бразилия, Салвадор, Сингапур каби давлатлар вакиллари бор. Аргентина, Мьянма, Фижи ороллари давлатлари вакиллари фестивалда илк бор иштирок этмоқда. Шунингдек, “Угарит Банд” (Германия, Греция, Сурия) ҳамда “Мундус Трио” (Голландия, Ироқ, Туркия) каби халқаро жамоалар ҳам қатнашади.

» Моддий ва маданий мерос

“Санъаткор маданияти меҳрнинг кафолатидир”



Аввало, ўз юртидан йироқда, турли мақсадлар билан ўқиб, ишлаб юрган ватандошларимнинг соғинч зоҳир чехраларига боқиб, уларнинг кўнглини кўтаришга интилаганим, дилдан суҳбатлашишга вақт топганимдан қувонган эдим. Лекин кимнингдир дилида менга нисбатан ўзгача муносабат борлигини сезмаганим, балки менинг хатоимдир. Аммо ҳар бир санъаткорнинг ўз шахсий ҳаёти ҳам борлиги, оиласи, фарзандлари учун ҳам яшаш кераклигини тушунадиган мухлислар кўп бўлишини жуда хоҳлардим. Ишончим комилки, шундай самимий томошабинларимиз оз эмас. Санъаткорнинг ҳаёти фақат ўйин-кулидан иборат эмаслиги, машҳурликнинг ортида машаққатли, заҳматли меҳнат ҳам борлигини тушунадиган маданиятли, мулоқазали томошабин, мухлис албатта биз — актёрларнинг бахтидир.

САНЪАТ ДАРҒАЛАРИГА ИХЛОСИМ САБАБ БЎЛГАН...

2001 йилдан Миллий театрда иш бошлаганман. Бу касбни танлашимга айнан шу театрнинг таниқли артистлари, санъатимиз дарғаларига бўлган ҳавасим, ихлосим сабаб бўлган. Устоз санъаткорлар — Зикир Мухаммадҷонов, Ёдгор Саъдиев, Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов, Фат-



хулла Маъсудов каби фидойилардан илҳомланганман. Қизиқишларимни ота-онам ҳам қўллаб-қувватладилар. Дастлаб кичик-кичик ролларни ижро этиб, устозлар ишончини оқладим. Натижада “Алишер Навоий”, “Усмон Носир”, “Жаҳон отин Увайсий”, “Адибнинг умри”, “Мирзо Улуғбек” каби спектаклларда асосий ролларни ишониб топширишди. Ҳар бир актёр ўз ролини маромига етказиб ижро этиши учун жуда кўп китоб ўқиши, айниқса, образни пишқиқ-пухта қилиб яратиш учун саҳна асарини кунт билан ўқиши, ўзлаштириши кераклигини англаб етдим. Ҳазрат Навоийнинг ёшлиги, Алишер ролини ижро этар эканман, улуғликка эришишнинг бош омили мутолаа экани, китоб орқали олижаноб, инсоний фазилатлар эгаси бўлиш мумкинлигига ана бир бор амин бўлдим.

Устозларимнинг “Севдирадиған ҳам, бездирадиған ҳам тил” дея берган панд-насихатлари доимо ёдимда. Кейинги йилларда қайта саҳналаштирилган “Алишер Навоий”, “Мирзо Улуғбек”, “Макр ва муҳаббат”, “Ревизор” каби мумтоз асарларда салмоқли ролларни ишониб топширигани менга янада куч-ғайрат бағишлади. “Келгинди куёв”, “Сароб”, “Ҳижрон”, “Жигарбандим”, “Қалбаки дунё”, “Айрилиқ”, “Зулмат”, яқинда ниҳоясига етказилган “Заҳарли томчилар” каби кинофильмлар, сериаллар эса менинг актёр сифатида шаклланишимда ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилди.

Шу кунларда атоқли адиб, сўз устаси Эркин Воҳидовнинг янги нашрдан чиққан китобини ўқиб чиқдим. Унинг ҳар бир сатридан маънавий завқ, ҳаётий сабоқ олдим. Менга Э.Воҳидовнинг юксак маънавияти, буюк инсоний фазилатлари жуда ёқади. Умуман олганда, актёр ўзига берил-

ган ролни қиёмига етказиб ижро этиши учун самимий, меҳнатсевар ва албатта фидойи бўлиши, ўз ролини севиши керак. Мен ҳам, айниқса, “Андишали келинчақ”даги Арслон ролини ҳалигача севиб ижро этаман. 30 дан ортиқ саҳна асарлари, 20 га яқин кинофильмлардаги ролларим — менинг қадрдон дўстларим. Устозларимнинг бегараз, самимий ёрдамлари, холис ўғитлари туфайли Рихситилла Абдуллаев бўлиб элга танилдим. Бу билан фахрланаман.

ТЕЛЕВИДИЕНИЕ МЕНИ ИНСОНЛАРГА ЯНАДА ЯҚИНЛАШТИРДИ

Телевидениедаги фаолиятим учун тележурналист, устозим Муслимбек Йўлдошевдан жуда миннатдорман. Улар туфайли кастингда қатнашдим ва қатор телеканалларда бошловчилик қилдим, сериалларда роллар ижро этдим. Ҳар куни экран орқали кўрган томошабин беихтиёр бошловчига ҳам мухлис бўлиб қоларкан, кўча-кўйда мени айнан телебошловчи сифатида таниб, хурматини билдирадиган, суҳбатлашишга ҳаракат қиладиган ҳамюртларимиз кўп. 42 ёшли актёр учун бу озми-кўпми, билмадим-у, ҳаётимни театрсиёз, телевидениесиз, мухлисларимсиз тасаввур эта олмаيمان.

Шу ўринда “Ойдин ҳаёт”, “Олтин калит” ток шоуларидаги бошловчилик фаолиятим ҳақида ҳам айтиб ўтмоқчи эдим. Одамларга саломатлигини сақлашда тўғри йўналиш бериш, яхши кайфият улашишдан завқ олам. Баъзан бизга ишонқирамайдиган мухлислар ҳам бўлади. Масалан, “Олтин калит”нинг холислигига шубҳа билан қаровчилар ҳам учраб туради. Лекин шунини ишонч билан айта оламки, ток шоуада ҳамма ҳаракатлар шаффофликка асосланган. Катта-катта ютуқларга эга бўлаётган одамларнинг қувончи учун ҳомийларимиз бизга ҳам мукофот беришини ҳам айтиб қўймоқчиман.

Дарҳақиқат, кино ва театр, телесериаллар Рихситилла Абдуллаевни маҳоратли актёр сифатида элга танитди. “Ойдин ҳаёт”, “Олтин калит” телелойиҳаларида бошловчиликни муваффақиятли оlib боришига замин яратди. Артист бундан буён ҳам изланиш, интилиш, Ватан, эл-юрт хизматида бўлиш мақсадида.

С.РИХСИЕВА
суҳбатлашди.

» Тараддуд



Халқаро хунармандчилик фестивалининг дастури ишлаб чиқилди

Дастурга кўра, Қўқон шаҳридаги Ўрда майдонида фестивалнинг расмий очилиш ва ёпилиш маросими, маҳаллий ва хорижий хунармандларнинг маҳсулотлари кўргазма-савдоси ҳамда халқ сайллари, кўғирчоқбозлик, дорбозлар ва фольклор жамоалари, вилоятлар маданият бошқармалари томонидан тайёрланган концерт дастурлари намойиш этилади, ошпазлар танловлари ўтказилади.

Шунингдек, бу ерда Риштон, Ғиждувон, Урганч, Тошкент, Каттабўғ, Мадири, Самарқанд, Ғурумсарой, Олтинкўл, Шаҳрисабз кулчилик мактаблари вакиллари томонидан маҳорат дарслари ва тренинглар ташкил этилиши режалаштирилган.

Жоме мажмуасида Ўзбекистон халқ устаси, ёғоч ўймаkori Мухаммадали Юнусовнинг ижодига бағишланган кўргазма, “Дастурхончи” мадрасасида эса тақдимот ва кўргазмалар, Қўқон мусиқали драма театрида спектакллар намойиши каби 50 дан ортиқ қизиқарли тадбирлар ҳам намойиш этилади.

Албатта мазкур нуфузли анжуманда кўплаб хорижий давлатлардан меҳмонлар иштирок этиши кутилмоқда. Ҳозир шаҳар кўчаларида туризм навигацияси белгилари ўрнатилмоқда. Туристик ва муҳим инфраструктура объектилари хусусида маълумот берувчи бундай белгилар асосан туризм шаҳарларига хос. Туризмни ривожлантиришдаги асосий вазифалардан бири ҳам сайёҳларга туризм объектиларининг жойлашуви ва уларга олиб борувчи йўналишлар хусусида аниқ маълумот етказишидир.

Ҳўқанди латифада ўрнатилаётган ўзбек ва инглиз тилидаги белгилар Халқаро хунармандчилик фестивали доирасида ва ундан кейин ҳам келадиган сайёҳларга қулай шарт-шароитлар яратиш ва шаҳар тарихий обидаларига сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилади.

Фестивалга қадар 200 дан ортиқ туризм навигацияси белгилари Қўқон шаҳрининг “Истиклол”, “Чархий”, “Турон”, “Озодлик”, “Ўрда хиёбони” каби барча кўча ва маҳаллаларда ўрнатилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, шаҳарда 24 соат ишлайдиган худудлар ҳам ташкил этилмоқда. “Қўқон истиқбол ёшлари” ўқув марказида ташкил этилган тезкор курсларда ёшлар инглиз, рус, корейс ва хитой тилларини ўрганмоқда. Ушбу курслар туризм сервиси ходимларида халқаро хунармандчилик фестивалида ва ундан кейин ҳам хорижий сайёҳларга юқори даражада хизмат кўрсатиш имконини беради.

М. СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА

Адабий кеча

Адиб таваллудининг 90 йиллигига бағишланди



Сурхондарё вилоят кўзи ожизлар кутубхонасида 1 август куни Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберган Қайипберганов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан “Ўзбек халқи учун азиз ва қадрли сиймо” мавзусида адабий кеча бўлиб ўтди.

Тадбирни директор ўрин-

босари Х.Исломуқов очиб, адибнинг сермазмун ижод йўли, адабиётимиз хазинаси ва китобхонлар қалбидан чуқур ўрин эгаллаган қорақалпоқ халқининг тарихи, миллий қадрият ва анъаналарини акс эттирган асарлари ҳақида гапириб берди.

Р.Холматова, Ф.Худойқулова ҳамда Ф.Хусанова каби фа-

ол китобхонлар адибнинг “Раҳмат муаллим”, “Маманбий афсонаси”, “Бахтсизлар” ҳамда “Қорақалпоқ достони” трилогиялари ҳақида ҳикоя қилиб беришди. Шунингдек, Т.Қайипберганов ҳаёти ва ижодига бағишланган “Адабиёт элларни бирлаштиради” мавзусидаги маъруза тингланди.

Тадбир

Музқаймоқ фестивали бўлиб ўтди

2-4 август кунлари пойтахтдаги “Сайилгоҳ” кўчасида “MuzzDay-2019” музқаймоқ, ичимлик ва ширинликлар фестивали ўтказилди. Бу ҳақда “O‘zbekkonsert” давлат муассасаси матбуот хизмати хабар бермоқда.



Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкиллаштирилган мазкур тадбирда танловлар, акциялар, спорт ўйинлари, турли мусобақалар ва мусиқий чиқишлар ташриф буюрганлар эътиборига ҳавола этилди. Болалар учун махсус майдончада эса аниматорлар томошаси, спектакллар, танловлар ва қизиқарли ўйинлар ўтказилди.

Фестиваль давомида энг фаол ёшлар учун диско худуди яратилди. Тоҳир Содиқов, Райҳон каби Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, Шаҳзода, Нилуфар Усмонова, Зоҳида, Ҳожиакбар Ҳайдаров, Воҳиджон Исоқов, Имрон каби эстрада хонандалари билан бир қаторда “Виа Мароканд” гуруҳи ва “Дизайн” жамоаси ҳам ўз чиқишлари билан барчага кўтаринки кайфият улашди.

Давра суҳбати

“Элнинг ўктам куйчиси”



2 август куни Жиззах вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи Ҳамид Олимжон ва Зулфия филиалида музей ходимлари Жиззах шаҳар “Неваён” ўқув маркази тарбияланувчилари билан ҳамкорликда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус асосида ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш ва шоирлар ижодини ўрганиш мақсадида, “Элнинг ўктам куйчиси” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирни музейнинг илмий ходими Н.Муҳитдинова очиб, атоқли адиблар — Ҳамид Олимжон ва Зулфияхонимнинг танланган асарлари, сайланмалари, қўлёзмалари, ҳаёти ва ижоди, шунингдек, шоир ҳаётини акс эттирган фотолавҳалар, асарларига ишланган иллюстрациялар, картиналар, ҳайкалтарошлар томонидан ясалган ҳайкаллар ҳақида маълумотлар берди.

Шундан сўнг “Неваён” ўқув маркази тарбияланувчилари Х.Олимжон ва Зулфияхоним экспозиция залига тақлиф этилди. Музей болажонларда катта таассурот қолдирди.

Мустақиллик байрами олдидан



Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

Айни кунларда юртимизда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан “Жонажон Ўзбекистон, мангу бўл омон!” шиори остида маънавий-маърифий тадбир, учрашувлар ва давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

1 август куни Гулистон шаҳри Алишер Навоий номидаги билимдонлар масканида шу муносабат билан 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари томонидан байрам тадбири ўтказилди. Концертда устозлар ва ёш истеъдод эгалари ўз чиқишлари билан барчага кўтаринки кайфият улашдилар.

Бу каби концерт тадбирлари Гулистон шаҳар марказида 31 августга қадар бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Концерт намоиш этилмоқда


1 август кунидан Бухоро вилояти Жондор туманининг барча маҳаллаларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шиори остида аҳоли учун туман маданият маркази ансамбли, театрлар, фольклор халқ жамоалари иштирокида концерт намоиш этилмоқда.

Ушбу маданий тадбирларда туман маданият бўлими тўғрақ ўқитувчи ва ўқувчилари, раққоса гуруҳлари ҳамда ҳушвоз хонандалари ўзларининг гўзал ва бетакрор чиқишлари билан тадбирга ташриф буюрган меҳмонларни хушнуд этиб, уларга кўтаринки кайфият улашмоқда.



Янги спектакль

“Тилла туёқли оҳу”



Жиззах вилояти қўғирчоқ театрида 3 август куни Исоқтой Жумановнинг “Тилла туёқли оҳу” эртак-пьесаси асосида сахналаштирилган янги спектакль тақдироти бўлиб ўтди.

Мазкур асар улғаяётган ёш авлод қалбида она юрт, унинг сўлим табиати, мавжудотларига меҳр уйғотиш, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни тўғри шакллантиришга хизмат қилади.

Янги сахна асари театрнинг истеъдодли актрисаси ва режиссёр Каромат Исомова томонидан сахналаштирилди.

» Маданий тадбир

“Беш ташаббус – битта мақсад”



Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган бешта муҳим ташаббуснинг биринчи йўналиши бўйича ёшларни маданият ва санъатга бўлган қизиқишларини ошириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида, 2 август куни Бухоро вилояти марказида жойлашган Абу Али Ибн Сино номли фавворалар майдонида вилоят ҳокимлиги ва маданият бошқармаси томонидан “Беш ташаббус –



битта мақсад” мавзусида маданий тадбир ташкил этилди.

Унда Бухоро шаҳар маданият бўлими тасарруфидаги “Дўстлик” маданият маркази хонандаси Камол Қодиров, Ҳусниддин Амруллаев, “Мохи ситора” фольклор жамоаси ҳамда дорбозлик гуруҳлари ўзларининг бетакрор қишлари билан барчага байрамона завқ улашди.



» Маданий мерос

Султон Саодат мажмуаси



Қадимий маданият маркази бўлган Сурхондарё воҳаси жаҳон фани ва илмий тадқиқотларида ўз ўрни ва эътиборига эга. Сурхон воҳаси бой маданият ва маърифат ўчоғи сифатида танилган. Бу ердан кўплаб азиз-авлиёлар, уламо ва фузалолар етишиб чиққан.

Жорий йилнинг апрель ойида давлатимиз раҳбари Султон Саодат мажмуасига ташриф буюриб, ушбу қадамжолар учун табаррук маскан эканини қайд этди ва унинг тарихини мукамал ўрганиб, халқимиз ва чет элликларга етказиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, мажмуа худудини ободонлаштириш, Имом Бухорий, Имом Термизий мақбараларидек катта ва гўзал зиёратгоҳга айлантириш бўйича кўрсатма ва топшириқлар берди.

“Саййид” сўзи арабча “жаноб” маъносини англатиб, пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом авлодларининг фохрий унвонидир. Мусулмон дунёсида шариф, хўжа, тўра сўзлари саййид атамасининг синоними сифатида ишлатилади.

зург” (“Саййидлар улуғи”) ёки “Султони содот” (“Саййидлар султони”) мартабаларига эга бўлган Алоул-Мулк I хилхонаси бўлган. Термиз саййидлари (Содоти Термиз) ўз насл-насабини тўртинчи имом Зайнулобидин Али ибн Ҳусайннинг (680–695) невараларидан бири Убайдуллоҳ Аъражга бориб тақайди. Убайдуллоҳ Аъражнинг невараси Абу Абдуллоҳ ал-Хусайн аввал Самарқандга, кейин эса Балхга кўчиб ўтган эди. Бу ерда унинг бирдан-бир ўғли Абу Мухаммад Ҳасан шаҳар ва вилоят нақиб — ҳокими этиб тайинланади. Кейинчалик эса Марказий Осиёнинг кўплаб шаҳарларида (Балх, Термиз, Марв ва бошқаларда) нақиб ёки нақиб ан-нуқабо ана шу хонадон вақилларига мерос тариқасида ўтадиган бўлди. Нақибнинг вазифалари сирасига, энг аввало, шаҳар ва вилоят саййидлари ишларини бошқариш, уларни махсус лавозимларга тайинлаш, шажаралари ишонарлигини аниқлаш ва шу асосда солиқ соҳасидаги имтиёзли дахлсизликни ҳавола этувчи “ҳифнома”ларни тарқатиш каби юмушлар кирар эди.

Термиз саййидлари оилавий шажараномасига кўра, Абу Мухаммад Ҳасан ибн Абу Абдуллоҳ ал-Хусайн халифа Мунтасир (861–862) сомониёлар (872–999) йилларда ҳукмронлик қилган сулоланинг Арқоқ (ёки Арқуқ) деган аждоғидан раҳм-шафқат қилиш тавсия этилган мактуб ёзган экан. Бу илтимом қабул қилинган, Арқоқ эса

Балх ҳокими этиб тайинланган эди. Арқоқ Абу Мухаммад ал-Ҳасанга Термизни мулк қилиб беради, унинг авлодлари эса, қаерда яшайдан қатъи назар, Термиз саййидлари (Султон Содот) деб атала бошлади.

Ҳозирги кундаги ягона хулосага кўра мажмуа XII–XVII асрларда бунёд этилган. Термизнинг шимоли-шарқида жойлашган бу зиёратгоҳ етти аср давомида шакланган бўлиб, йигирмага яқин мақбараларни ўз ичига олади. Унда Саййидлар сулоласининг мақбаралари жойлашган. Дастлаб шу атрофдаги ерлар эгаси, пайгамбаримиз авлодларидан бўлмиш Ҳасан ал-Амир (IX асрнинг иккинчи ярмида вафот этган) мақбараси бунёд этилган. Халқ орасида Султон Саодат мақбараси номи билан машҳур бўлган мақбаралар XII асрда, қолганлари асосан XV–XVII асрларда ёнма-ён қурилиб, узун ҳовлининг икки томонини эгаллаган. Мақбаралар пештоқ ва гумбазли чорси хоналардан иборат. Ҳовлининг тўридаги пештоқ ва икки қанотдаги гумбазли мақбаралар бир хил тарзда, жанубдаги мақбара зиналар ҳисобига кичикроқ кўринади. Шимоли-ғарбдаги мақбаранинг қурилма ва безаклари оддий ғишт (27x27x5см) дан жуфт-жуфт қилиб тегирилиб, мавжли безак ҳосил қилинган. Ички хона деворларига ғиштдан ҳошияли бўртма равоқлар ишланган. Жануби-ғарбдаги мақбара шимоли-

ғарбдагидан бир оз кичик, кўриниши оддий, ганч сувоқли. Мазкур икки мақбара орасидаги пештоқли супа тўрига меҳроб жойлашган. Сиркор кошчилар бинога алоҳида ҳусн бағишлаган. XV–XVII асрларда қурилган мақбараларда ўша даврга хос юлдузсимон гириҳ нақшлар, ганчқори безаклар кенг қўлланилган.

Мажмуа мустақилликдан кейин таъмирланиб, зиёратгоҳга айлантирилган. Қурилишнинг бош биноси катта масжид ва баланд айвонли, ҳар икки томонида кенг даҳлизлар жойлашган. 25x25x5 см ва 27x27x5 см ҳажмдаги пишиқ ғиштдан барпо этилган. Деворлари “гунтоткача” лар билан безалган. Хоналарнинг гумбазини 8 та чуқур тоқча кўтариб туради, тоқчалар ёғоч тўсинлар устига қурилган. Кумлоқ майдонда бино бўлган мақбара пойдеворида ёғоч қўйилган.

Иншоотнинг XIV–XV асрларга оид қисмида зинали баланд минбар мавжуд. Темурийлар даврида Султон Саодат Термиз шаҳрининг жоме масжиди бўлган. Унинг сўнгги қурилишлари ҳовлининг шарқий томонида давом эттирилган. Б.Н.Засипкин фикрига кўра, хонақоҳ ҳам шу ерда қурилган.

Бой тарихимиз, маданиятимиз, хусусан меъморий санъатимизни ўзида мужассам этган мазкур мақбаралар мажмуаси келгусида янада обод масканга айланади.

Шерзод РАЖАБОВ,
Термиз археология музейи бўлим мудири

Султон Саодат мажмуаси — Термиз шаҳридан 3 километр шимоли-шарқда, Сурхон дарёсининг ўнг қирғоғида бўлиб, Термиз саййидларининг дафналари жойлашган маҳобатли мақбаралар мажмуасидир.

Ривоятларга кўра, Термиз саййидлари пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг қизи биби Фотиманинг ўғли имом Ҳусайннинг 5-авлоди бўлган Ҳасан ал-Амирга бориб тақалади. Ҳасан ал-Амир ўзининг яқинлари билан 850 йилда Самарқандга келади ва у ерда 11 йил яшаб, 861 йилда Балхга кўчади. Тахминан 865 йилда Ҳасан ал-Амир Термизга келади ва шу ерга бутунлай ўрнашиб қолади.

Султон Саодат мақбараси узунлиги 70 метрлик ҳовлида қурилган. Иморатнинг бош

А.Холмирзаев томонидан мажмуа номига қуйидагича таъриф берилади: “Содот” (бирлиги — Саййид) “Саййидлар” ва “Султон” (кўплиги — Салотин) “подшоҳ, подшоҳзодалар, номига қўшиб айтиладиган унвон”. Иккинчи маъноси эса “ҳужжат” деб таржима қилиниб, кўпроқ шу таржима ҳақиқатга яқин. Яъни “Султон Содот” ёки “Султон ус-Содот” саййидларнинг ҳужжати, уларга берилган илоҳий далил маъносини англатади.

Мажмуанинг дастлабки йирик мақбараси “Содоти бу-

» Такдимот

“Бўёқчи” – Самарқанд театри саҳнасида



3 август кун Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида Тунжар Жўжан ўғли асари асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мунаввара Абдуллаева саҳналаштирган “Бўёқчи” спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.

Чет элга бир ҳафталик сафарга отланаётган истамбуллик 40 ёшли Аҳмедбей таъмирлаш учун уй-

нинг калитини бўёқчи Қодирга қолдиради.

Бўёқчи “дўхтир”га, Гулхоним эса “Котиба”га айланиб беморларни қабул қила бошлайди ва бир зумда уларнинг мижози кўпаяди. Хусусий уй сотиб олиш илнжиде юрган “Бўёқчи дўхтир” билан “Котиба” бу имкониятдан фойдаланиб қолишга ҳаракат

қилишади...

Спектаклдаги ролларни Жамшид Муродов, Озод Курбонов, Шоҳсанам Раҳимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Раҳимов каби актёрлар ижро этишди.

Комедия жанридаги саҳна асари катта қизиқиш билан кутиб олинди.

» Ифтихор



Ватанни мадх этган қиз

6-12 июль кунлари Испаниянинг Ллорет де Мар шаҳрида бўлиб ўтган “SEA SUN FESTIVAL” номли халқаро мусиқа фестивал-танловда Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Рухшона Хушамова ҳам қатнашиб, 3-ўрин соҳиби бўлди. Рухшонага фестивалнинг 3-даражали дипломи топширилди.

— Испания давлатига боришим мен учун кутилмаган совға бўлди, — дейди Р.Хушамова. — Дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келган ёшлар билан танишдик, ижодларидан баҳраманд бўлдик. Ушбу халқаро кўрик-танловда серкўёш ватанимизни мадх этувчи кўшиғим билан иштирок этдим. Эришган муваффақиятимда устозларим — Мухаббат опа Шодиева ва кўшиғимга куй басталаган Х.Мамарасуловларнинг ҳиссаси катта деб биламан ва улардан миннатдорман.

Х.МАМАРАСУЛОВ

» Халқаро маданий алоқалар



Ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланди

Қашқадарё вилояти Маданият бошқармаси таркибидagi музейлар ва театр ходимлари Россия Федерациясининг Самара вилоятидаги автоном “У-РА” туризм ва маданий дам олиш маркази тақлифига биноан “Русь. Эпохи объединения” халқаро этнографик тарихий фестивалида қатнашишди.

Амир Темура ва Тўхтамышхон ўртасидаги буюк жанг мавзусида тайёрланган спектаклни намойиш этиш, музейшунослар, тарихчилар, этнографлар ҳамда ўлкашуносларнинг халқаро давра суҳбатида маъруза қилиш мақсадида амалга оширилган ушбу таширф давомида томонлар ўртасида музейлар ва туризм соҳасини ривожлантириш бўйича меморандум имзоланди.

Тарихий жанг мақсади ва моҳияти фидоаланган саҳна сценарийси Россия Езувчилар уюшмаси аъзоси Дмитрий Агаляков (Россия) ва тарих фанлари номзоди Наби Хушвақтов (Ўзбекистон) томонидан тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Исоқ Тўраев томонидан саҳналаштирилди.

Делегация аъзолари Москва шаҳридаги илгор музейларда қўлланилаётган интерактив дастурлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

» Юртимизнинг тарихий масканлари

Нурота — нурли диёр

Қадимда Буюк ипак йўлининг бир тармоғи ўтган, тарихий манбаларда Нур, Нурато, Нури Бухоро, Нурота номлари билан муҳрланган бу мўйсифид шаҳар юртимиз тарихининг зарварағи ҳисобланади. Нур шаҳри жанубида жойлашган “Нур чашмаси” овозаси тилларда дoston. Айниқса, Нур қалъаси узоқ-узоқлардан кўзга яққол ташланиб турадиган афсонавий антик маданият нишонасидир.

“Чашма” тарихий-меъморий мажмуасида бошланган ободчилик ишлари туманимиз халқининг қалбида ғурур ва фахр туйғуларини уйғотади. Бу ерда шахсан Президентимиз кўмағида шайх Абул Ҳасан Нурий мақбараси янгидан қурилиб, обод қилинди. Шарқона гумбаз шаклидаги ёдгорлик мажмуага узукка кўз кўйгандек ярашди.

Шаҳримизга ташриф буюраётган зиёратчи меҳмонлар ва саёҳатчиларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида “Чашма” мажмуаси кенгайтирилди. Ўтган йили мажмуа ёнида замонавий меҳмонхона қурилиб фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда Чилустун жоме ва Кўк гумбаз масжидларининг таъмирлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Янги 83-ўринли меҳмонхона ва замонавий таҳоратхона қурилиши бошланди. Бу эса кундан-кунга қиёфаси ўзгариб яшнаб бораётган мажмуага таширф буюраётган зиёратчилар сонининг ортисига олиб келмоқда.

Қадимий Нур шаҳрининг қўҳна маданияти, урф-одатлари, этнографияси, табиати, антик ёдгорликлари хорижий ва маҳаллий сайёҳларни ўзига жалб этиб келмоқда. Шаҳарда фаолият олиб бораётган Нурота табиий меъморий мажмуа музейида қўҳна тарих маданиятини акс эттирувчи кўплаб осори-атиқалар сақланади. Келгусида музейнинг янги бино билан таъминланиши режалаштирилган. Бу бино қурилиши эса яқин кунларда бошланиш арафасида. Бу ерда бугун 2300 га яқин экспонатлар сақланмоқда.

Музей маъмурияти йил бошидан чет эл сайёҳларига хизмат кўрсатадиган 27 та сайёҳлик фирмалари билан шартномалар тузди. Эндиликда шаҳарга 50 дан ортақ мамлакатлардан сайёҳларни янада жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Саид ФАЙЗУЛЛО,
Нурота табиий-меъморий мажмуаси музейи фонд сақловчиси

» Танлов



Энг яхши китобхона оила

30 июль кун Сурхондарё вилоят кўзи ожизлар кутубхонасида “Энг яхши китобхона оила” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси ва туман филиалларининг энг фаол саккизта китобхона оиласи иштирок этди.

Қатнашчилар “Биз — китобхоналар оиласи”, “Биз ўқиган китоблар”, “Моҳир кўллар” ҳамда “Ижодкор оила” мавзулари бўйича беллашишди. Ҳақамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, Тожиёвлар оиласи 1-ўринга, Очиловлар 2-ўрин, Маматқуловлар оиласи эса 3-ўринга муносиб топилди.

Ғолиблар кутубхона маъмуриятининг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёриқлар билан мукофотландилар. Биринчи ўрин соҳиби бўлган Тожиёвлар оиласи танловнинг республика босқичига йўлланмани кўлга киритди.

Тадбир давомида фаол китобхоналар — Н.Ибрагимова ҳамда А.Абдураимовлар куйлаган дилрабо куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфиёт бағишлади.

Х.ИСЛОМҚУЛОВ,
кутубхона ишлари бўйича директор ўринбосари

МАДАНИЯТ ОВУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги,
«Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева

Таҳририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба кунини чоп этилади.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятга келган кўлёмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
«Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Мухаббат Шарифова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади: - 8556 **Буюртма:** - Г-827
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 42.
Босмахонага топшириш вақти - 20.00
Топширилди - 20.00
1 2 3 4 5